

III боб

САНОАТ ТАРМОҚ ТУЗИЛМАСИ ВА ТАРКИБИЙ

СИЛЖИШЛАР

3.1. Структура сиёсати, унинг моҳияти ва аҳамияти

Структура сиёсати ҳақида мулоҳаза юритишдан олдин, структуранинг ўзи нима эканлигини билиб олишимиз зарур.

Структура латинча, «structura» сўзидан олинган бўлиб, нарсалар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқ равишда жойлашишини, тузилишини билдиради.

Структура сиёсатининг моҳияти соҳаларнинг тузилмавий жиҳатларини белгилаб бериш, йўлга солиб туришдан иборатдир.

Мустақилликнинг ўтган даври учун ва 2010-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий сиёсатнинг йўналиши ва хусусиятлари доирасида белгиланган миллий иқтисод структурасида прогрессив ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқлараро ва тармоқ ички мутаносибликларини (пропорцияларини) такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларни устувор ривожлантиришни давом эттириш вазифаси муҳим аҳамиятга моликдир.

Давлат стратегиясига мувофиқ ижтимоий ишлаб чиқариш ва жумладан, саноат структурасини режали тарзда такомиллаштириш кўз илғайдиган истиқболда:

- халқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноатни баланслаштирилган тарзда ва изчил ривожлантириш;

- иқтисодиётни, хусусан, саноатни асосан интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш, моддий меҳнат ва молиявий ресурслар истеъмолини рационаллаштириш, уларни ҳар томонлама тежаш;

- иқтисодиётнинг, жумладан, саноатнинг ижтимоий йўналишини янада кучайтириш, миллий иқтисоднинг аҳоли фаравонлигини ошириш билан боғлиқ

бўлган хилма-хил вазифалар томон янада чуқурроқ бурилишини таъминлаш лозим.

Бир бутун қисмларнинг муайян ўзаро алоқаси, бир-бирига нисбатан жойлашуви булган структуранинг аҳволини пропорциялар (мутаносибликлар) жуда ҳам аниқ ва конкрет тарзда ифодалайди. Иқтисодий жараёнларнинг моҳиятини чуқур билиб олиш ва уларни режалар, башоратлар ва лойиҳаларда татбиқ этиш, ижтимоий ва шахсий истеъмолни, фан-техника тараққиётининг, миллий иқтисоднинг тегишли ишлаб чиқаришлари ва тармоқлари ривож истикболларини синчковлик билан ҳисобга олиш, режаларни зарур резервлар билан мустаҳкамлаш - ана шуларнинг ҳаммаси прогнозлаш ва лойиҳалаштириш технологиясининг энг муҳим таркибий, тузилмавий қисмлари бўлиб, уларга қатъи риоя қилиш вазифаларининг мутаносиблиги, баланслаштирилганлиги, реаллиги, қўйилган мақсадларга эришишдаги ишончлилиги, таъсирчанлигининг шартидир.

Ўзбекистон давлатининг иқтисодий стратегиясида халқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, унинг тармоқларини ривожлантириш юзасидан муҳим топшириқлар ҳамда бу тармоқларнинг марралари батафсил белгилаб берилган.

Такрор ишлаб чиқаришнинг ҳозирги шароитларида иқтисодий ўсиш иқтисодиёт кўламининг ўсиши билангина эмас, балки истеъмолда ҳам, ишлаб чиқаришда ҳам структуравий силжишлар, уларнинг тезлиги ва самарадорлиги билан аниқланади.

Структури аниқловчи сиёсатни шакллантириш иқтисодиётдаги структуравий ўзгаришларни сифат жаҳатдан баҳолашни аниқлашнинг приштипиал хусусияти иқтисодиётнинг ўсиш суръати кўрсаткичларининг деграграция юз бериши муаммосини хал этиши зарурлигидир, чунки айна бир суръатнинг ўзи бир неча тармоқларнинг турли ўсиш суръатларида ифодаланиши мумкин. Бу бир хил бўлмаган иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб қадади.

Бу муаммо оқибатда у ёки бу соҳага устуворлик (афзаллик) бериш тизимини яратилишини тақозо этади. Масалан, фан-техника тараққиётида тўлиқ акс этадиган соҳалар ажралиб туради: ёқилғи-энергетика, электроника, машинасозлик, кимё. Шунинг учун бу тармоқлар ўсиш суръатлари бўйича саноат ўсишидан юқори туриши керак. Машинасозликнинг тармок структурасида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бериши зарур. Кимёда биотехнология ва нанотехнология қўллаб, нозик органик синтез маҳсулотларини ишлаб чиқариш жадал суръатларда ривожланиши зарур.

Структуравий ўзгаришларнинг йўналиши, уларнинг жадаллиги ва қўламини аниқлаш муҳим иш. Айни вақтда иқтисодий даражаси бир хил ёки иқтисодиётдаги структура йўналишлари ўзгариши ўхшаш бўлган мамлакатлар гуруҳи бўйича тармоқлараро комплекслар ва айрим тармоқлар ишлаб чиқариши ва истеъмолининг ривожланишидаги умумий қонуниятларни аниқлаш - бу, барча аналитик материалчар истиқболни прогнозлаштириш — белгилашнинг муҳим замини ҳисобланади.

Шу билан бирга, структура йўналишлари ўзаро мувофиқлаштирилиши керак, чунки ривожланиш стратегиясига мувофиқ тармоқлараро комплекслар ва тармоқларни ривожлантириш уйғунлаштирилиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президента И. Каримовнинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида қилган маърузаси ва кейинги чиқишларида мамлакатимизнинг янги — XXI аср бошларидаги асосий вазифалари аниқ белгилаб берилган. Уларда табиийки, янги асрга қадам қўйган мамлакатимизнинг «иқтисодиётни ислоҳ этиш ва яшми-ятни ўзгартириш борасидаги ишлар натижасини холис баҳолаш» билан биргаликда «устувор йўналишлар ва бундан кейинги ривожланиш стратегиясини шакллантириш» масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Янги асрнинг дастлабки йилларидаги тараққиёт стратегияси, жамиятни янгилаш, барча соҳадаги ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги

фаолият 6 та устувор йўналишдан иборат. Биринчи устувор йўналиш — аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, иккинчи устувор йўналиш — мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада жадаллаштириш, учинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтириш, тўртинчи устувор йўналиш — кадрлар тайёрлаш, бешинчи устувор йўналиш — иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Ана шу устувор йўналишлардан бири иқтисодиётда, шу жумладан, саноатда ҳам таркибий ўзгаришларни амалга ошириш бўлиб, саноат бошқаруви тузилмасини яхшилашдан тортиб корхоналарни янгилаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан тўла, самарачи фойдачаништа, экспортга мосланган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнида, айниқса, инвестиция дастурини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада мамлакатда мўъжизавий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан буён мамлакатга кириталган сармояларнинг ҳажми 10 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Хорижий сармояларнинг аксарият қисми (90-95%) халқ хўжалигининг реал ишлаб чиқариш соҳаларига, жумладан, 75-80 фоизи саноатга киритилмоқда. Ана шу инвестициялар асосида янгидан - янги корхоналарнинг барча вилоятларда қурилаётганлиги нафақат ҳудудларнинг саноат тизимини, балки уларнинг киёфасини ҳам тубдан ўзгартириб юбормоқда.

Республика иқтисодиётида, шу жумладан, саноатда таркибий ўзгаришларни таъминлаш натижасида давлатнинг қудратини янада орттириш, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртни обод этиш ва халқнинг фаровонлигини юқори даражага кўтариш мумкин.

3.2. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва саноат тармоғининг шаклланиши

Ижтимоий меҳнат тақсимоти маълум буюм ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва фан-техника тараққиёти натижасидир. Ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши эса ихтисослашган ишлаб чиқаришнинг концентрациялашуви ва кичиклашуви, янги саноат тармоқларининг ташкил топиши ва илгари бунёд этилганларни такомиллаштиришни тақозо этади.

Ижтимоий меҳнат тақсимотининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида сўз борганда, шуни айтиш керакки, у туфайли хўжалик ривожланиши натижасида саноатнинг айрим ва мустақил тармоқлари кўпаяди, бу ривожланиш тенденцияси ҳар бир айрим маҳсулотни чиқаришнинггина эмас, ҳатто маҳсулотнинг ҳар бир айрим қисмини ишлаб чиқаришни ҳам ва фақат маҳсулот ишлаб чиқаришгина эмас, ҳатто маҳсулотни истеъмол қилишга тайёрлашдаги айрим ишларни ҳам саноатнинг алоҳида тармоғига айлантиришдан иборат.

Ижтимоий меҳнат тақсимоти уч шаклда: умумий, хусусий ва айрим, бирламчи шаклда рўй беради. Халқ хўжачигининг йирик соҳалари, яъни саноат, қишлоқ хўжалиги, қиричиш, транспорт ва аҳолининг вужудга келиши умумий меҳнат тақсимотининг маҳсулидир. Бу тармоқларнинг ҳар бирида соҳаларнинг мустақил равишда ажралиб чиқиши хусусий меҳнат тақсимоти натижасидир. Бирламчи меҳнат тақсимоти эса, ишлаб чиқаришни корхона ичида — цехлар, участкалар ва янги иш жойлари ташкил этиш билан боғлиқдир. Бундай туркумларга ажратиш ва унинг маҳсулини 2-чизмадан кўриш мумкин.


Хусусий ва айрим ҳолларда бирламчи меҳнат тақсимотининг таъсири билан Ўзбекистон саноатида ҳам тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар сони узлуксиз кўпайиб бормокда. 2008 йилнинг охирига келиб республикада саноатнинг 175 та тармоғи ва ишлаб чиқариш соҳалари фаолият кўрсатмокда.

У ёки бу ишлаб чиқариш фақат маълум техник - иктисодий асос (замин) яратилгандагина алоҳида саноат тармоғига айланиши мумкин. Бунинг учун, энг

аввало, бир неча турдош корхоналар бўлиши лозим. Улар аниқ мустақил саноат тармоғига бирлаштириш имкониятини берадиган маълум белгига эга бўлиши керак.

Саноат тармоғи - ишлаб чиқариш уюшмалари, комбинатлари ва корхона (фирма)лари йиғиндисидир. Тармоқ ҳосил этиш учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўлишлари керак:

- ишлаб чиқариладиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллиги;
- ишлатиладиган хомашё ва асосий материалларнинг ўхшашлиги;
- ишлаб чиқариш техник базаси ва технологик жараёнларининг умумийлиги;
- маълум касбдаги кадрлар таркибининг умумийлиги;
- ижтимоий меҳнатни ташкил этиш даражаси ва шаклларининг бир бирига ўхшашлиги ва ҳакозолар.



Саноат ишлаб чиқаришни илмий жиҳатдан асосланган равишда таҳлил этиш ва режалаштириш, унинг самарадорлигини аниқлаш ва бошқариш учун тармоқларни таснифлаш, яъни маълум гуруҳларга ажратиш лозим.

Саноат тармоқларини гуруҳлашда асосий эътибор тайёрланадиган маҳсулотнинг иқтисодий мазмунига қаратилади. Маҳсулотнинг иқтисодий жиҳатдан бир мақсадга жавоб бериши белгисига қараб, саноат икки йирик гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи ("А» гуруҳ), истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи ("Б» гуруҳ).

Маълумки, деярли барча саноат тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш воситалари, ҳам истеъмол буюмлари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маҳсулотлар тайёрланади. Шу сабабли режалаштириш ва ҳисоб-китоб юритишда баъзи саноат тармоқлари «А» ёки «Б» гуруҳга киритилиши мумкин.

Меҳнат воситаларнинг меҳнат буюмларига таъсир кўрсатишига қараб саноат қазиб олувчи ва ишлов берувчи тармоқларга бўлинади. Саноатнинг бундай икки қисмга бўлиниши ишлаб чиқариш алоқаларини кўрсатишга, материал ва ёқилғи-энергетика ресурсларини, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол қилувчи тармоқлар ўртасидаги нисбатларни асослаб беришга имкон яратади.

Ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг функционал вазифасига биноан ҳам тармоқларни гуруҳлаш мумкин. Бунда алоҳида гуруҳдар, бир қатор тармоқлар, масалан, ёқилғи ишлаб чиқарувчи — ёқилғи саноати, озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрловчи — озиқ-овқат саноатига бирлашиши мумкин.

Ҳозирги пайтда барча саноат тармоқлари 18 комплекс тармоққа бирлаштирилган (11-жадвал).

... — жадвал

Ўзбекистон саноатининг комплекс тармоқлари

№	Комплекс тармоқлари	Комплекс тармоққа кирувчи тармоқлар сони
1	Электроэнергетика саноати	3
2	Кўмир саноати	2
3	Газ саноати	2
4	Нефть ва нефтни қайта ишлаш	2
5	Қора металлургия	2
6	Рангли металлургия	4
7	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	40

8	Кимё ва нефть-кимё саноати	12
9	Ўрмонсозлик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз саноати	3
10	Қурилиш материаллари саноати	14
11	Ойна ва чинни-фаянс саноати	2
12	Микробиология саноати	12
13	Медицина (фармацевтика) саноати	3
14	Полиграфия	1
15	Енгил саноат	18
16	Озиқ-овқат саноати	22
17	Ун, ёрма ва ем саноати	3
18	Қолган тармоқлар	21

3.3. Саноатнинг тармоқ тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

Тармоқ тузилмаси дейилганда, унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқлик тушунилади. Тармоқ тузилмаси саноат тараққиёти даражасини белгилайди ҳамда унда юз берган ва юз берадиган ўзгаришларни акс эттиради.

Тармоқ тузилмасига биноан қуйидаги жиҳатларни аниқлаш мумкин:

- ижтимоий меҳнат тақсимоти ва кооперациянинг даражасини;
- мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эканлигини;
- саноат ва бутун халқ хўжалигининг илмий-техника салоҳиятини;
- мамлакат ва унинг вилоятлари саноатининг ривожланиш даражасини;
- саноат тармоғининг «А» гуруҳи билан «Б» гуруҳи ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқадорлигини;
- ижтимоий меҳнат унумдорлиги ёки ижтимоий-иқтисодий самарадорлигининг даражасини;
- меҳнаткашларнинг моддий фаравонлиги ва маданий даражаси ўсганлигини.

Саноат тармоқлари тузилмасини тавсифлаш учун айрим тармоқлар ўртасидаги маълум ишлаб чиқариш алоқадорлигини ифодаловчи миқдорий нисбатларни аниқлаб олиш керак. Бу муаммони хал этиш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Улардан бири тармоқлар ўртасидаги нисбатларни ифодаласа, иккинчиси маълум давр ичидаги тузилмавий ўзгаришларни, учинчиси эса, ишлаб чиқариш алоқаларини ифодалайди.

Тармоқ тузилмасини ифодаловчи кўрсаткичлар жумласига қуйидагилар киради:

- мустақил саноат тармоқларининг сони;
- тармоқларнинг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги салмоғи;
- тармоқ ривожининг суръати;
- тармоқнинг илгарилаб кетиш коэффициенти.

Мустақил саноат тармоқларининг сони мамлакат индустриал тараққиёти, унинг иқтисодий ва илмий-техник салоҳияти, иқтисодий жиҳатдан мустақиллигини ифодалайди.

Тармоқ структураси унинг ялпи маҳсулотининг саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмидаги улуши, ишчилар сони ва асосий фондлар кийматидаги салмоғи кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Тармоқнинг ривожланиш суръатини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$C=100 \cdot \Pi / X$$

Бу ерда: C — тармоқнинг ривожланиш суръати;

Π — тармоқ ривожланишининг режали даражаси;

X — тармоқ ривожининг ҳисобот давридаги даражаси.

Тармоқнинг ривожланиш коэффициенти тармоқлар таркибидаги миқдор ўзгаришларни ифодалайди ва маълум даврда саноат тармоғи тузилмасидаги силжишларни кўрсатиб беради. Бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$K=Tr \cdot c / Cr \cdot c$$

Бу ерда: $Tr * c$ — тармоқнинг ривожланиш суръати;

$Sr * c$ — саноатнинг ривожланиш суръати.

Саноат тармоқлари орасидаги юзага келган мутаносибликлар ва уларнинг ўзгаришига ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа бир қатор омиллар таъсир этади.

Саноат ишлаб чиқариши тармоқ тузилмасини белгиловчи асосий омилларга қуйидагилар киради:

- фан-техника тараққиёти ва унинг ютуқларини ишлаб чиқаришта жорий этиш;

- материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларини иқтисодий тежашни кучайтириш;

- ижтимоий меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришнинг даражаси;

- саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари;

- аҳолининг моддий ва маданий даражаси ўсиши;

- ижтимоий-тарихий шароитлар;

- мамлакатнинг табиий ресурслари ва уларни ўзлаштириш даражаси;

- мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотида тутган ўрни ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги.

Саноат тармоқ тузилмаси ўзгаришига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллардан бири фан-техника тараққиётидир. Фан-техника тараққиёти энг аввало, янги меҳнат воситалари ва маҳсулотнинг янги турларини яратиш, мавжуд асбоб-ускуналар ва технологая жараёнларини такомиллаштириш, янгиларини жорий этиш билан боғлиқ. Бу эса, мавжуд саноат тармоқларидан янгидан-янги соҳаларнинг ажралиб чиқишига ва шаклланишига туртки беради. Натижада прогрессив ҳисобланган автомобилсозлик, асбобсозлик, радиотехника ва электроника, лазер технологияси тез суръатлар билан ривожланади.

Бундан ташқари, фан-техника тараққиёти туфайли янги прогрессив хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия турларидан фойдаланиш саноатда ишлаб чиқариш характериини ўзгартиради. Юқори тежамкорликка эга бўлган хомашё, материал ярим-фабрикатлар ва ёқилғи ишлаб чиқарадиган тармоқлар истеъмолчи тармоқларга маҳсулот етказиб бериш кўламини кенгайтиришлари натижасида халқ хўжалигининг бошқа тармоқлар маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи нисбатан камаяди. Масалан, сунъий ва синтетик толани ишлаб чиқаришнинг тараққий этиши тўқимачилик саноатида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланадиган табиий тола сарфини қисқартиради. Натижада маҳсулотнинг материалталаблиги камаяди ва саноат билан қишлоқ хўжалиги, саноатнинг қазиб олувчи тармоғи билан ишлов берувчи тармоғи ўртасидаги нисбат ўзгаради.

Саноат тузилмасининг ўзгаришига ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари — концентрациялаш, ихтисослаштириш ва комбинатлаштириш жуда катта таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришда кичик корхоналарниш кўпайиши тармоқ тараққиётини тезлаштиргани ҳолда унинг умумсаноат маҳсулотидаги миқёси ошишига олиб келади. Ихтисослаштириш ижтимоий меҳнат тақсимооти жараёнини ифодалагани ҳолда айрим маҳсулотлар ёки маҳсулот қисмларини мустақил ишлаб чиқаришга тайёрлашга, янга саноат тармоқлари ташкил қилинишига сабаб бўлади. Масалан, ихтисослаштиришнинг тараққий этиши натижасида машинасозликда бутловчи буюмлар саноати, асбоб-ускуна саноати, асбобсозлик, электроника ва бошқа соҳалар ташкил топади.

Кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш тармоқлар ўртасидаги алоқадорликни кенгайтиради ва тармоқ структурасини мураккаблаштиради.

Кишилар моддий ва маънавий фаровонлигиниш ўсиши ҳам саноат тармоқлари тузилмасининг ўзгаришига муҳим таъсир кўрсатади. Бу омил таъсири остида енгил ва озиқ-овқат саноатларида чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси ва ассортименти ўзгаради, игунингдек, маданий-маиший буюмлар — телевизор, соат, фотоаппарат, кир ювиш машинаси, мотоцикл,

мотороллер ва бошқаларни ишлаб чиқарадиган махсус тармоқлар ташкил топади.

Саноат тармоқлари тузилмасига таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан яна бири — мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни ҳисобланади.

Ҳозирги даврда иқтисодий интеграцияга кирувчи ҳар бир мамлакатда айрим тармоқлар тараққисти учун қулай иқтисодий, ижтимоий ва табиий шароитлар борлиги туфайли иқтисодий интеграция дастурлари тузилган. Улардаги саноат ўз мамлака-тининг эҳтиёжтаринигина эмас, балки бошқа давлатлар эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ривожланмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноат тармоқлари тузилмасида ғоят муҳим ўзгаришлар рўй бермоқда. Буни 12-жадвал маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон саноатининг 2000 – 2007 йиллардаги тармоқ тузилмаси иқтисодий таҳлили ҳозирги шароитда республика саноат ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлайдиган тармоқлар ривожининг юқори суръатлар ва кенг кўлами тақозо қилган прогрессив ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат бермоқда.

...-жадвал

**Ўзбекистон саноатида 1900 – 2007 йиллар мобайнида
ялли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тармоқлар тузилмаси динамикаси
(якунига нисбатан фоиз ҳисобида)**

Тармоқ	1900	1940	1980	1991	2000	2001	2006	2007
Бутун саноат	100	100	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан:								
Электрэнергетика	-	-	-	2,8	9,1	8,0	10,0	9,4
Ёқилғи саноати	-	-	-	3,7	15,0	12,5	17,0	17,7
Қора металлургия	-	-	0,6	0,7	1,2	1,4	2,3	2,4
Ранги металлургия	-	-	5,2	9,7	10,1	10,7	18,5	15,7

Кимё ва нефть кимё	-	0,5	5,1	4,3	5,5	5,3	4,8	4,7
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	0,5	8,8	16,3	11,6	9,2	10,5	13,8	15,4
Қурилиш материаллари саноати	0,5	1,8	5,8	5,2	5,3	5,3	4,2	5,2
Ўрмон, ёғоч ва қоғоз саноати	-	1,4	1,8	1,2	1,4	1,4	0,8	0,9
Енгил саноат	85	58,8	38,8	39,9	19,0	20,5	14,6	13,7
Озиқ-овқат саноати	12	25,1	15,4	14,7	14,1	13,9	8,9	9,8
Бошқа тармоқлар	2,0	2,1	1,1	6,2	9,6	10,1	5,1	5,6

Ўзбекистон саноатининг 1900-2007 йилдаги тармоқ тузилмасининг иқтисодий таҳлили ҳозирги шароитида Ўзбекистон саноат ишлаб чиқаришида фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни таъминлайдиган тармоқлар ривожининг юқори суръатлар ва кенг кўлами тақозо қилган прогрессив ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради.

3.4. Тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий тенденцияси

Ўзбекистон саноатининг ҳозирги тараққиёти катта динамиклиги билан ажралиб туради, чунки у мустақиллик йилларида ва XXI аср бошларида юқори суръатлар билан ривожлана борди. Айни вақтда саноат ишлаб чиқариши юқори даражада ўсиши билан бир қаторда, унинг тузилмасида ҳам узлуксиз таркибий ўзгаришлар рўй берди. Охирги 17 йил мобайнида саноат тузилмаси ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш талаблари ва халқ хўжалигини модернизациялаш ва ислоҳ қилиш заруриятига мос равишда ўзгариб борди. Саноат ишлаб чиқаришининг прогрессивлик, яъни тараққийпарварлик даражаси анчагина ўсди. Бундай ривож фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар – ёқилғи, рангли металлургия,

машинасозлик, электрэнергетика саноатининг устувор ўсишида намоён бўлди. Буни ...-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриш мумкин.

Юқорида келтирилган тармоқ корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар 1991 йилда умумсаноат маҳсулотининг 27,8 фоизини ташкил этган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 58,2 фоизга етди.

Саноат тузилмасининг илғорлик даражаси ҳар қайси комплекс тармоқ ичидаги ўзгариш билан белгиланади. Саноатнинг у ёки бу тармоғи улуши ўзгармаслиги, ҳатто камайиши ҳам мумкин, Лекин бу тармоқ ичидаги қолоқликдан дарак бермайди. Буни Ўзбекистон кимё ва нефтькимё саноати мисолида кўриш мумкин. Масалан, бу тармоқда 2000 йилда ялпи саноат маҳсулотининг 55 фоизи ишлаб чиқарилган бўлса, 2007 йилга келиб бу кўрсаткич 42 фоизни ташкил этди, яъни қарийб 13 фоизга камайган.

Тармоқларнинг фан-техника тараққиёти билан боғлиқ бўлган устувор ривожланиш тенденцияси 2005-2010 йилларда ҳам кўзга ташланади. Бу давр ривожланиш дастурида саноат ишлаб чиқаришининг тузилмасини такомиллаштириш, ундирувчи ва қайта ишловчи тармоқларнинг ривожда балансликни таъминлаш миллий иқтисодиёт ва фан-техника тараққиётини белгилайдиган рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашни кучайтириш кўзда тутилган.

Саноатнинг узоқ истиқболга мўлжалланган ривожини аниқлаш турли иқтисодий мутаносибликларни белгилаш ва уларга эътибор беришини талаб қилади. Бундай мутаносибликлар тармоқ тузилмасини башоратлашда инобатга олинади.

Саноат ишлаб чиқариш тузилмасини режалаштириш ва башоратлаш қуйидаги асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилиши керак:

-бозор иқтисодиёти талаблари, халқ ҳўжалиги ва аҳолининг айрим маҳсулот турларига бўлган талабини қондиришни ҳисобга олган ҳолда умуман саноат ва унинг ҳар қайси тармоғининг ривожланиш суръатини белгилашни;

-илғор ишлаб чиқариш тармоқларини аниқлаш, улар тараққиётини тезлаштириш учун зарур бўлган капитал қўйилмалари ва материалларни биринчи навбатда ажратишни;

-саноат тузилмасида устувор ўзгаришларни кўзда тутиш лозимки, ҳар қайси бундай ўзгаришлардан ҳам бири ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлигини таъминласин;

- халқ хўжалигининг умумий мутаносиблиги ҳар қайси саноат тармоғи тараққиётининг тенглиги билан боғлашни талаб этади.

Тармоқ таркибининг мамлакат миқёсида қулайлашуви юқори суръатда иқтисодий ривожланишни, аҳолининг турмуш даражасини оширишни ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш хара-жатларини камайтиришни таъминлайди. Чунки бу, ишлаб чиқаришнинг даражаси ва якуний — провард маҳсулотнинг купайишига, умуман ижобий структуравий силжишларга сабаб бўлади. Демак, таркибий ўзгаришнинг ўзи ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги ўсишининг қўшимча омили сифатида майдонга чиқади.

Саноат тармоқлари тузилмасини тшюмиллаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардир:

-ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлар орасида мутаносибликни ўрнатиш;

-ишлаб чиқариш тузилмасининг башорат ва йўналишларини ишлаб чиқиш;

-тармоқларнинг ташқи иқтисодий фаолиятини барқорорлаштириш;

-илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш;

-шахсий ва ижтимоий истеъмолни ўрганиш ҳамда аҳолини юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш;

-тармоқларда хомашё ва ресурслардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириб бориш;

-иқтисодий районлар саноатини зарурий (меҳнат, моддий ва молиявий) ресурслар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш.

Айни вақтда тармоқларнинг ички тузилмасини қайта қуриш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш, чет эл корхоналари билан иқтисодий ҳамкорлик қилиш, чет эл инвестициялари ҳамда илғор технологияларини сифатли саноат моллари тайёрлашга йўналтириш вазифаларини ҳал этиш керак бўлади.

Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин калажакда қуйидагиларни амалга ошириш учун имкониятлар яратади:

- мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари, оммабоп талабга эга бўлган товарлар ва бошқа ҳаётий зарур воситаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлаш;

- фан-техника тараққиёти ва саноатнинг илгарилиб борадиган ривожини таъминлайдиган технологияларни, умуман, илғор тармоқларни ривожлантириш;

- республиканинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни кўпайтириш ва шу асосда товарлар импортини қисқартириш;

- агросаноат мажмуи самарадорлигини ошириш ва уни қишлоқ хўжалиги хомашёсини янада чуқурроқ қайта ишлашга ўтказиш ҳамда тайёр маҳсулотнинг сифати ва товар кўринишини ошириш;

- кичик бизнес корхоналари (фирмалар ва тадбиркорлик, деҳқон, фермер хўжаликлари, касаначилик типдаги ишлаб чиқариш тузилмалари)ни ривожлантириш асосида янги ишчи ўринларини ҳамда янги соҳаларни яратиш;

- ва ниҳоят, республикада у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун тегишли шароит ва минерал-хомашё ресурслари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда саноатнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва экспорт устунлигига эришиш учун шароитлар яратади.

Қисқача хулосалар

Саноат жуда кўп тармоқлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири корхоналар йиғиндисидан ташкил топади. Тармоқ ҳосил бўлиши учун корхоналар бир неча умумий хусусиятларга эга бўладилар.

Саноат тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқаришнинг ўзаро алоқадорлиги ва уларнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган миқдорий нисбатлари тармоқ структурасини ташкил этади. У саноат тараққиётида рўй берадиган техника ва технология ривожининг даражаси, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар билан боғлиқ равишда ўзгаради.

Турли саноат тармоқлари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ўзаро маҳсулот алмашиш, тажрибаларни ўрганиш билан тавсифланади.

Ишлаб чиқариш тарққиётининг истиқболини аниқлаш, ҳисоб-китоб ишларини амалга ошириш, унинг аҳволини таҳлил этиш мақсадида саноат тармоқлари гуруҳларга ажратилади. Гуруҳларга ажратишнинг энг муҳим тамойили тайёрланадиган маҳсулот иқтисодий мазмунининг бир хиллигидир.

Саноат тармоқ тузилмасининг ўзгаришига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: фан-техника тарққиёти; ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари — концентрациялаш, ихтисослаштириш, комбинатлаштириш ҳамда худудий жойлаштириш.

Республика иқтисодиётида ва унинг етакчи тармоғи бўлган саноат соҳасида амалга оширилаётган таркибий силжишлар яқин келажакда миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада юқори даражага кўтариш ва саноатнинг экспорт устунлигини таъминлаш учун жуда катта имкониятлар яратади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва саноат соҳалари қандай шаклланади?

2. Давлатнинг иқтисодиёт, жумладан, саноат соҳасидаги таркибий ўзгаришларга тегишли сиёсати моҳияти нимада?

3. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш деганда нималар тушунилади?

4. Тармоқ ва тармоқ тузилмаси тушунчаси нимани англатади?

5. Тармоқларнинг иқтисодий гуруҳланиши.

6. Тармоқнинг ривожланиш суръатларини аниқлашнинг қандай усуллари мавжуд?

7. Тармоқ структураси ва уни белгиловчи омиллар.

8. Ўзбекистон Республикаси саноати тармоқ тузилмаси ўзгаришининг асосий йўналишлари (тенденцияси) нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи. 2007 йил, 15 март.
2. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2007 йил, 31 август.
3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. Халқ сўзи. 2008 йил. 9 февраль
4. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/И.А. Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
5. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Халф сўзи, 2008 йил, 6 декабрь.
6. «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида коперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи. №4 2006 йил 6 январь.
7. «2006 йилда ижтимоий-иқтисодий якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари

тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2007 йил 15 февраль.

8. «2007 йилда ижтимоий-иқтисодий яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг қарорлари. Халқ сўзи, 2008 йил 13 февраль.

9. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2009 йил, 14 февраль.

10. Промышленность Республики Узбекистан. 2000-2008. Статистические сборники.

11. <http://www.press-service.uz> – «Президент сайти».
12. <http://www.gov.uz> - «Хукумат сайти».
13. <http://www.tsue.uz> – «Университет сайти»